



Бисмиллахир Роҳманир Роҳийм!

Рамазони ойининг охирги ўн кунлигида Кадр деб аталмиш бир кеча бордир. Бу кеча минг ойдан афзалдир. Барча мусулмонлар айна шу кечани иташлари, унинг баракотидан насибадор бўлишга уринишлари қадимдан маълум. Бу иштиёкнинг масдари Куръони Каримдаги Кадр сураси ва Кадр кунининг фазли борасидаги келган хадиси шарифлардир. Аслида Рамазон ойининг ҳар кечасини кадр билмок лозимдир. Аммо шу билан бирга, саҳих хадисларнинг ёгдуси Кадр кечасининг Рамазон ойи охирги ўн кунлигида эканини ойдинлатади. Айрим далиллар эса йигирма еттинчи кечани Кадр кечаси эканига ишора қилади. Уламолар Кадр сурасининг тафсирида ҳам кадрнинг йигирма еттинчи кечада эканига енгил ишоралар бор, дейишади. Келинг шуни, имкон қадар кўриб чиқамиз:

КАДР

БИСМИЛЛАХИР РОҲМАНИР РОҲИЙМ

1. Албатта, Биз у(Куръон)ни **Лайлатул Кадр**да туширдик.
2. **Лайлатул Кадр** қандок нарса эканини сенга нима билдирди?
3. **Лайлатул Кадр** минг ойдан яхшироқдир.

4. Унда фаришталар ва Рух Роббилари изни билан барча ишлар учун тушадир.

5. **У** то тонг отгунча салом бўлиб турадир.

Сураи каримада «**Лайлатул Кадр**» калимаси уч бора кайтарилган. Аслида араб тили фасохати коидасига кўра бундай вазиатда олмошлар ишлатилиши лозим эди. Лекин Куръони Карим биз билган хар кандай нисбий конуниятлардан устун туради. Буни билган уламолар айнан ушбу «**Лайлатул Кадр**» калимасининг уч марта кайтарилиши бежиз эмас, дейишиб, ундан айрим ишораларни чиқариб олишди. Араб ёзувида «

Лайлатул Кадр

» калимаси тўккиз харфдан иборатдир. Унинг уч марта кайтарилиши эса бу харфларнинг йигиндиси йигирма еттига тенг эканини билдиради. Бу билан Кадр кечаси йигирма еттинчи кечада эканига ишора бўлмокда, дейишади.

Яна бундан ташкари ушбу сура ўттизта калимадан ташкил топган.

- .1
- .2
- .3
- .4
- .5
- .6
- .7
- .8
- .9
- .10
- .11
- .12
- .13
- .14
- .15
- .16
- .17
- .18
- .19
- .20
- .21
- .22
- .23

□□□□ .24
□□□□□□ .25
□□□□□□□□ .26
□□□□ □□□□ .27
□□□□□□□□ .28
□□□□□□□□□□ .29
□□□□□□□□□□ .30

Бу калималарнинг йигирма еттинчиси «□□□□ » яъни «**У**» олмошидир. Ушбу олмош «**Лайл атул кадр**

» калимасига ишора килади. Яъни: «

У

то тонг отгунча салом бўлиб турадир».

Демак, бу ўринда ҳам Кадр кечасининг йигирма еттинча кечада эканига энгил ишора килинмокда.

Буларнинг бир ижтиход эканини ҳам алохида таъкидлаб кўйиш лозим. Зотан, юкорида ишора килганимиздек, Рамазон ойинг хар кечасини Кадр билмок керак. Унинг файзидан насибадор бўлишда интилиш даркор! Аллох таоло барчамизга Рамазоннинг кадрини билдирсин, Кадр кечаларидаги шукухдан насибадор килсин! Бутун дунёдаги мусулмонларга Ўзининг нусрати ва нажотини берсин!

Оиша онамиз Расулulloх (соллаллоху алайхи васаллам)дан: «Агар Кадрни топсам, Аллохдан нима сўрай?» деганларида, Набий (соллаллоху алайхи васаллам) куйидаги дуони ўргатганлар:

«Аллохим! Албатта, Сен ўта афв килувча карим Зотсан, афв килишни севасан, шундай экан, мени афв килгин! »

(Термизий ривоят килган, хасан саҳих ҳадис!)

Тайёрлаганлар: Аброр Мухтор Алий
Хасанхон Яхё Абдулмажид
Абу Муслим